

## ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТИГА ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ҚИЛИШДА ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ ХУДУДЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

Назаров Назар Гулом ўғли,  
ЖИДУ магистранти  
E-mail: [nazar\\_3485@inbox.ru](mailto:nazar_3485@inbox.ru)

**Аннотация:** Мақолада Ўзбекистоннинг инвестицион жозибadorлиги ва уни оширишда республикамиздаги мавжуд эркин иқтисодий ҳудудлар роли чуқур таҳлил этилган. Эркин иқтисодий ҳудудларга кириб келувчи хорижий инвестициялар ҳажмига таъсир қилувчи омиллар, мавжуд тўсиқлар изчил ўрганилиб, бу соҳани янада ривожлантириш борасида тегишли хулоса ва таклифлар келтирилган.

**Аннотация:** В статье анализируется роль свободных экономических зон в Узбекистане и инвестиционная привлекательность страны и дальнейшее совершенствование этой области. Факторы, влияющие на объем иностранных инвестиций, поступающих в свободные экономические зоны, были тщательно изучены текущие барьеры, представлены соответствующие выводы и рекомендации по дальнейшему развитию этого сектора.

**Abstract:** The article analyzes the role of free economic zones in Uzbekistan and investment attractiveness of the country and further enhancement of this field. Factors influencing on the volume of foreign investment entering free economic zones, the current barriers have been carefully studied, and relevant conclusions and recommendations on further development of this sector are presented.

**Калим сўзлар:** эркин иқтисодий ҳудуд, инвестиция, капитал, миллий иқтисодиёт, диверсификация, экспорт, импорт, глобаллашув, инвестиция, инфраструктура, инновацион технология, инвестицион муҳит.

### Кириш

Эркин иқтисодий ҳудудлар жаҳон хўжалигининг муҳим бўғини сифатида, хорижий инвестицияларни жалб қилишда ўзининг ижобий самарасини кўрсатмоқда. ЭИХлар турли давлатларда турли кўринишларда мавжуд бўлиб, уларни асосан бир хусусият, яъни мана шу ҳудудларда жорий қилинган имтиёзли шароит, бирлаштириб туради. Мана шундай имтиёзли муҳит чет эл инвестицияларини жалб қилишнинг энг самарали йўлларида бири ҳисобланади. ЭИХлар ҳозирги кундаги интеграциялашув ва глобаллашув жараёнларининг йирик омилларидан ҳисобланади, чунки айнан ЭИХлар чет эл инвесторларини жалб қилиш орқали капиталнинг интернационаллашувига сабаб бўлади ва трансмиллий компанияларнинг кириб келиши орқали интеграциялашув жараёнларини янада юқори босқичга олиб чиқади.

Ўзбекистон иқтисодиётининг жаҳон хўжалиги тизимида интеграциялашуви шароитида мамлакатимизда экспортга йўналтирилган иқтисодий ривожланиш сиёсатини амалга ошириш ва экспортбоп

маҳсулотларни ишлаб чиқариб, хорижга экспорт қилиш, шунингдек, импорт ўрнини босувчи юқори технологияларга асосланган ишлаб чиқаришни жорий қилишда эркин иқтисодий ҳудудлардан фойдаланиш, шунингдек, мамлакатимизда “очиқ эшиклар сиёсатини” амалга ошириш ҳамда хорижий сармоядорларни жалб қилиш борасида ривожланган давлатларнинг, айниқса, жаҳон хўжалигида тезкор суръатларда ривожланган мамлакатларнинг, жумладан, Хитой, Германия, Франция, Япония, Жанубий Корея, Сингапур каби мамлакатларнинг ташқи савдо-сотиқ сиёсати тажрибаларидан унумли фойдаланиш миллий иқтисодиётимизнинг тараққиётига ижобий самара беради. Шунга кўра, миллий иқтисодиётни шакллантиришда ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштириш орқали мамлакатнинг ташқи савдо-сотиқ жараёнини ва экспорт салоҳиятини юксалтириш масаласи, мамлакатимизда бозор иқтисодиётига ўтишнинг ўзига хос жиҳатларини ҳисобга олишни, айниқса, жаҳон иқтисодиёти амалиётида тўпланган тажрибалар ва халқаро қонун-қоидалар асосида мамлакатимизда эркин иқтисодий ҳудудларни ташкил қилиш борасида ва уларни тартибга солиш усулларини янада такомиллаштириш зарурлигини талаб этади. Эркин иқтисодий ҳудудларни ташкил этишда ва ундаги фаолиятларни самарали олиб боришда хориж мамлакатларининг тажриба ва усулларидан унумли фойдаланиш ҳозирги куннинг муҳим масалаларидан бири ҳисобланади.

Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси” тўғрисидаги фармонининг учинчи йўналишида, яъни “Иқтисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштириш” деб номланган йўналишда кўрсатилганидек миллий иқтисодиётнинг барқарорлигини таъминлаш, рақобатбардош маҳсулотларни, экспортга мўлжалланган маҳсулот ва материаллар ишлаб чиқариш учун замонавий технологияларни жорий этиш, транспорт-логистика инфратузилмасини, тадбиркорликни ривожлантириш ҳамда хорижий инвесторлар учун инвестициявий жозибадорликни оширишнинг замонавий тамойиллари ва механизмларини жорий этиш каби чора-тадбирларни амалга ошириш ЭИҲларнинг фаолиятига ва хорижий инвестицияларни жалб қилиш самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

### **Мавзуга оид адабиётлар таҳлили**

Жаҳон иқтисодиёти амалиётида хорижий инвестицияларни жалб қилишда эркин иқтисодий ҳудудларнинг аҳамияти, бу борадаги халқаро тажриба ва халқаро қонун-қоидалар, шунингдек, уларни тартибга солиш усулларини янада такомиллаштириш масалалари бўйича хорижлик иқтисодчи олимлар Э.Ф.Авдокушин, Й.М.Бергер ва ўзбек иқтисодчи олимлар Э.Р.Махмудов, Г.А.Мелибаева, А.А.Исажановларнинг илмий тадқиқотларида муайян даражада ёритилган. Шунингдек, халқаро ташкилотлар ҳисоботи ва статистик тўпламлари, хорижий эксперт ва мутахассислар мақолаларидан кенг фойдаланилди.

### **Тадқиқот методологияси**

Тадқиқот мобайнида хорижий инвестицияларнинг ҳажмини оширишда сўнгги йилларда эркин иқтисодий ҳудудлар доирасида олиб борилаётган


иқтисодий ислохотлар ва уларнинг натижаси, шунингдек, охириги йилларда мамлакатимиздаги эркин иқтисодий ҳудудларга жалб қилинаётган хорижий капитал ҳажми, уларнинг самарадорлиги, уларга таъсир этувчи омиллар ва бу йўналишдаги илмий хулоса ва таклифларни шакллантиришда гипотеза, статистик, қиёсий ва тизимли ёндашув усулларида кенг фойдаланилди. Юқоридаги усуллар ёрдамида шакллантирилган хулоса ва таклифлар ўрта ва узоқ муддатли даврда миллий иқтисодиётнинг ривожланишига ўз таъсирини кўрсатади.

### **Таҳлил ва натижалар**

Бугунги кунда миллий иқтисодиётни ривожлантириш, унинг таркибини диверсификация қилиш, юқори технологик маҳсулотларни ишлаб чиқариш, хорижий инвестицияларни жалб қилиш учун ЭИХлар ташкил қилиш муҳим ҳисобланди, чунки ЭИХларда инвесторлар учун қулай шароитлар яратилган бўлиб, бу эса мамлакатга хорижий инвестиция ва замонавий технологиялар кириб келиш оқимини кўпайтиради. Шунинг учун ҳозирда ЭИХлар миллий иқтисодиётнинг ривожланиши ва унинг рақобатбардошлигини ошириш учун муҳим восита ҳисобланади.

Ўзбекистонда ҳозирги вақтда Навоий, Жиззах ва Ангрен ҳудудларида эркин иқтисодий ҳудудлар самарали фаолият кўрсатмоқда. Хусусан, Навоий эркин иқтисодий ҳудудида бугунги кунда 124,2 млн. АҚШ долларилек инвестиция эвазига Жанубий Корея, Буюк Британия, Италия, Хитой, Бирлашган Араб Амирликлари, Ҳиндистон, Сингапур, Россия давлатлари билан ҳамкорликда 24 та лойиҳа муваффақиятли фаолият юритмоқда. Мавжуд корхоналарда 100 турдан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқарилиб, узлуксиз экспорт йўлга қўйилган. Ҳозирги кунда “Ангрен” махсус индустриал ҳудудида жами 11 корхона фаолият кўрсатяпти [5].

Ҳозирда Ўзбекистон иқтисодиётига, жумладан, ЭИХларга хорижий инвестициялар жалб қилиш мақсадида чора-тадбирлар кўриб келинмоқда, шунинг эвазига ҳозирда ЭИХларга хорижий инвестициялар оқимининг бевосита кўпаётганини қуйидаги расмда кўришимиз мумкин. (1-расм)




**1-расм. Ўзбекистонга киритилган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажми ўсиб бориш динамикаси (млн. АҚШ доллари)**

Манба: [www.stat.uz](http://www.stat.uz) маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

Юқоридаги расмдан кўришиб турибдики, Ўзбекистонда хорижий инвестициялар ҳажми охириги 5 йилда мунтазам ўсиб келмоқда, бунга асосий сабаб эса хорижий инвесторлар учун яратилаётган қулай шароит ва инвестицион муҳитдир. Ҳозирда мамлакатимиз экспортга йўналтирилган сиёсат олиб бораётгани учун, яъни кўпроқ экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш мақсадида ЭИХларда қулай инвестицион шароит яратиб хорижий инвесторлар жалб қилишга ҳаракат қилинмоқда. Албатта, ўз ўрнида бу чора-тадбир ўз самарасини бермоқда.

Шунингдек, ҳозирги кунда хорижий инвестицияларни жалб қилиш мақсадида мамлакатимиздаги мавжуд ЭИХларда қулай шароитлар, яъни инвесторлар учун имтиёзлар, преференциялар ва кўплаб имкониятлар тақдим этилмоқда. Бунинг натижасида миллий иқтисодиётимизга кириб келаётган умумий хорижий капиталнинг ЭИХларга мос келувчи ҳажми мунтазам ўсиб боровчи характерга эга. ЭИХларга жалб қилинаётган хорижий инвестициялар ҳажми қуйидаги расмда келтирилган (2-расм).



**2-расм. Ўзбекистонга ЭИХларига киритилган жами хорижий инвестициялар ўсиш ҳажми(умумий инвестиция %)**

Манба: [www.mfer.uz/investments/freecozones/invest](http://www.mfer.uz/investments/freecozones/invest) сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

Мазкур расмдан англаш мумкинки, охириги йилларда ЭИХларга олиб кирилаётган хорижий инвестиция ҳажми мунтазам ўсиб келмоқда, бу эса мамлакатимизда олиб борилаётган чора-тадбирлар ўз самарасини кўрсатмоқда. Шунингдек, айтиб ўтилган чора-тадбирларни амалга ошириш орқали мамлакатимизга инвестицияларни жалб қилишдан қуйидаги натижа кутилмоқда:

“2017-2021-йилларда умумий қиймати 40 миллиард АҚШ доллари миқдоридаги 649 та инвестиция лойиҳасини назарда тутувчи тармоқ дастурларини рўёбга чиқариш режалаштирилмоқда. Натижада кейинги 5 йилда

саноат маҳсулотини ишлаб чиқариш 1,5 барабар, унинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 33,6 фоиздан 36 фоизгача, қайта ишлаш тармоғи улуши 80 фоиздан 85 фоизгача ошади” [1].

Масалан, “Ангрен” МИЗ маъмурий кенгаши томонидан 23 та лойиҳа маъқулланган бўлиб, уларнинг қиймати қарийб 458 миллион АҚШ долларини ташкил қилади. “Жиззах” МИЗда бугунги кунга қадар 51 миллион АҚШ доллариллик (унинг ярмидан кўпи тўғридан-тўғри хорижий сармоялар) 13 та лойиҳа амалга оширилди. Жорий йилда уларнинг сонини 11 тага кўпайтириш ва бунинг учун 156 миллион АҚШ доллариллик инвестиция жалб этиш мўлжалланган [5].

Ўзбекистон Республикасининг Президенти томонидан 2016-йил 26-октябрда имзоланган “Эркин иқтисодий ҳудудлар фаолиятини фаоллаштириш ва кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги фармони эркин иқтисодий ҳудудларни изчил ривожлантириш ва хорижий инвестицияларни жалб этишни кенгайтириш борасида яна бир муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда [2].

Миллий иқтисодиётни янада ривожлантириш ва унинг иқтисодий кўрсаткичини ошириш, шунингдек, миллий иқтисодиёт таркибини диверсификациялашни амалга оширишда эркин иқтисодий ҳудудларни ташкил этиш катта аҳамият касб этади. ЭИХлар орқали мамлакатга хорижий юқори унумли асбоб-ускуналар ва техника, технологик линиялар ҳамда модуллар, инновацион технологиялар жалб қилиниб, жаҳон бозорларида рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқарилади [3].

Бугунги кунда бу соҳа фаолиятини янада ривожлантириш учун кўпгина қарор ва фармонлар имзоланмоқда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонида кўра, кейинги йилларда мамлакатимизнинг 4 та ҳудудида, яъни Ургут, Гиждувон, Ҳазорасп ва Кўқонда эркин иқтисодий ҳудудларнинг ташкил этилиши бу соҳада берилаётган катта эътиборнинг исботидир [4].

### **Хулоса ва таклифлар**

Юқоридаги изланиш ва тадқиқотлардан хулоса қилиб айтганда, хорижий инвестициялар оқимини энг катта улуши ЭИХлар ҳиссасига тўғри келмоқда, чунки бу ҳудудларда бошқа ҳудудларда бўлмаган турли хил имтиёзлар, қулайликлар давлат томонидан тақдим этилган. Шунинг учун ЭИХларнинг самарали фаолияти ва хорижий инвестицияларни жалб қилиш ҳажми бевосита бир-бирига узвий боғлиқдир.

Мавжуд шароит ва омиллардан келиб чиққан ҳолда хорижий инвестициялар ҳажмини янада оширишда қуйидаги ишларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

- ЭИХлардаги инвестицион жозибаторликни янада ошириш керак;
- банклар фаолиятини янада такомиллаштириш керак;
- ўрта ва узоқ муддатли инвестицион дастурлар ҳажмини ошириш керак.

Юқорида келтирилган таклифлар амалиётга татбиқ этилса, юртимизда инвестициялар ҳажми ошади, бу эса миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини оширишга хизмат қилади.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси” тўғрисидаги фармони, 7-февраль, 2017-й.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Эркин иқтисодий ҳудудлар фаолиятини фаоллаштириш ва кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги фармони, 26-октябрь, 2016-й.
3. Маҳмудов Э.Р. Замонавий иқтисодий тизимлар.134-б. Тошкент-2013.
4. [www.uza.uz/documents/](http://www.uza.uz/documents/) Ургут, Гиждувон, Қўқон ва Ҳазорасп эркин иқтисодий зоналари.13-01-2017 - Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги сайти.
5. [www.mfa.uz](http://www.mfa.uz)- Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги сайти.